

Ресторандаги дарс



11:00 / 07.12.2020 3400

Бир киши кекса отасини қимматбаҳо ресторанлардан бирига кечки овқатга олиб борди. Ота ёши катта киши бўлиб, қўли титрарди. Овқатланаётганда, таом ерга, кийимларига тўкиларди. Бу ҳолат ресторанда ўтирган барчанинг эътиборини тортди. Ўғил эса сокин бир ҳолда отасининг овқатланиб бўлишини кутди. Кейин отасини қўл ювадиган жойга олиб бориб, унинг қўлларини, оғзини, юзини ювди, кийимини тозалади. Сўнгра ўтирган жойларига келиб, оҳисталик билан у ерни тозалади. Шундан кейин овқат пулини тўлаб, ҳамманинг кўз ўнгида ресторандан чиқишди. Ота-бола машинага ўтирмоқчи бўлишганда, ресторандагилардан бири уларга етиб олди-да, отахоннинг бошидан, ўғлининг пешонасидан ўпди ва ўғилга қараб, «Жаноб, ресторанда ҳеч нарса қолдирмадингизми?» деб сўради. Ўғил «Йўқ» деди. Шунда бояги одам «Йўқ, сиз ресторандагилар учун ота-онага яхшилик қилиш борасида муҳим дарс қолдирдингиз» деди.

Афсуски, баъзилар отасини дўстларига кўрсатишга, «Шу менинг отам» дейишга уялади. Агар отасининг қўллари титраб турган бўлса, у билан бирор жойга боришга ийманади. Ваҳоланки, ўша ўғил туғилганида ҳаммадан кўпроқ хурсанд бўлган шу отаси эди. Элга ош бериб, ақиқасини қилган ҳам шу отаси эди. Ўғлининг бир ютуғига минг баробар кўпроқ

севинган ҳам шу отаси эди. Бугун ўғил вояга етиб, қўлига озроқ пул тушиб, отасидан уялса, «Шу менинг отам» дейишга ор қилса-я!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

كَذٰلِكَ نَعْلَمُ بِمَا اٰمَنَّا بِاٰمٍ اِنْ اَسْحٰ اِنْ يَدِلْ اَوْلٰاِبٍ وَّهٰٓيْ اِاِ اِ اُوْدُبُعَت ۙ اِاِ اِ كُبَّر ۙ اِضَ قَو
اِوَق اُمُّه لُ قَو اُمُّه رَهَنَت اِوَفِّ اُ اُمُّه لُ قَت اِاِ اُمُّه اِ كُ وَا اُمُّه دَح اُ رِبِ كُ اِ
يِن اِ يُّ بَر اِمَ ك اُمُّه مَّ حُر اِبُّ ر لُ قَو هٗ مَّ حُر ل اِ ن مَّ لُ ذل اِ ح اِنَ ح اُمُّه لُ ض فُ خ اِو اِ اِمُّه ي رَ ك
اِ اِ رِ يَّ عَ ص

«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «Уфф», дема, уларга зажр қилма ва уларга карамли сўз айт! Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат ва: «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», - деб айт». (Исро сураси, 23-24-оят).

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади